

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш
ва фаол маҳалла йилиКУЧЛИ ИЖТИМОЙИЙ ҲИМОЯ
ВА МАНЗИЛЛИ КЎМАКмаҳалла тизими ходимларининг
доимий эътиборида бўлади

Инсон дунёга келиб камолга етар экан, шу жамиятнинг онгли бир аъзоси сифатида атрофдаги жараёнларда фаол иштирок этиш ҳамда шу орқали ўз ҳаётидан маъно топиб, ўтаётган кунидан мамнунлик туйишни истайди. Ватан, оила ва яқинлар олдидаги тўла масъулият хисси эса ҳар бир инсон олдида шу халқ ва миллат учун муҳим мақсадларни амалга оширишда бевосита дахлдор бўлиш талабини қўяди. Ва шу аснода одамларнинг турмуш шакли ва маданияти, яшаш қонуниятлари шаклланиб боради.

▶ Давоми 2-бетда



14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ПрезидентиВАТАН ТУЙҒУСИ
АЖДОДЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИДАН
ОЗИҚЛАНАДИ

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг дастлабки давридаёқ давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонидан томонидан тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.



Таъкидлаш жоизки, Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, бу борада олдимизда қатор вазифалар турибди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, давлатнинг муҳофаза салоҳиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва қобилиятини ошириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва мутаносиб равишда қарши ҳаракатларни ташкил этиш шулар жумласидан.

Мазкур вазифаларни рўйга чиқаришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида кейинги йилларда бир қанча меъёрий ҳужжатлар, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахл-

сизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиямиз шакллантирилди. Айнан миллий армиямиз мамлакатимизда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш, демократик ислохотларни самарали амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда. Бугунги кунда ҳарбий бошқарувнинг самарали тизими шакллантирилди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта қўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Қуролли Кучлар таркибидан турли қўшинларнинг ўзаро мувофиқ ҳолда ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш йўлида муҳим чора-тадбирлар бажарилиди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:
30 ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛИКНИНГ
ЯНГИ БОСҚИЧИ

Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг Евроосиё масалалари бўйича махсус вакили Ли Хуэй бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга амалий ташрифи доирасида “Икки томонлама ҳамкорлик ва давлат бошқаруви соҳасида тажриба алмашиш” мавзусида симпозиум бўлиб ўтди.

Анжуманда Хитойнинг Тошкентдаги элчихонаси ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Марказий Осиё халқаро институти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Халқ дипломатияси маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Дастлаб делегация етакчиси Ўзбекистон — Хитой муносабатининг ҳозирги аҳоли ҳақида сўз юритиб, жумладан, кейинги йилларда ҳар икки давлатда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлар, тизимли ислохотлар ўрнатилган уйғунликка алоҳида эътибор қаратди. Бундан ташқари, Хитойнинг ташқи сиёсати, Марказий Осиё билан

муносабати, айниқса, Ўзбекистон билан алоқаларига батафсил тўхталди.

— Ўзбекистондаги ислохотлар, янгиланишлардан, улкан бунёдкорлик ишларидан, фаровон турмуш, барқарор ривожланиш мақсадлари сари интилишлардан хабардорман, — деди жаноб Ли Хуэй. — Бу сўнгги йилларда мамлакат раҳбари бошчилигида очик, конструктив ва самарадор сиёсат олиб борилаётгани, қолаверса, республика иқтисодиёти жадал суръатда ўсиб бораётганининг яққол ифодасидир. Биз энг муҳим стратегик шерик давлат вакиллари сифатида мамлакатимиз эришган ютуқлардан беҳад мамнунимиз ва ҳамкорлигимиз, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз изчил давом этишига қатъий ишонамиз.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

ТЕХНОПАРК — ФАН, ТАЪЛИМ ВА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНING
ГЕНЕРАТОРИ

Бундан бир неча йил аввал олий таълим тизимида технопаркларнинг яратилиши ҳақида тасаввур ҳам қилмаган эдик. Ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртларида кўриб, ҳавас қилиб, қани энди бизда ҳам шундай имкониятлар бўлса, деб ўйлардик. Чунки бундай замонавий ускуналар катта валюта ҳисобига харид қилинади эди-да. Олий ўқув юртлари талабалари учун шундай катта маблағ сарфлашишга ҳеч ким ишонмас эди. Бугун кўзни қувонтириб турган Талабалар шаҳарчасида “INNO” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркиннинг қурилгани биз учун, талабаларимиз учун қутилмаган совға бўлди. Технопарк фақат орзу эди, бугун ана шу орзумиз ушалди!

▶ Давоми 4-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН —
ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИИНСОН ҚАДРИ УЧУН:
УЛУҒ МАҚСАД ВА МУСТАҲКАМ ИШОНЧ

Йил поёнига етиб, янги довлар сари қадам қўяр эканмиз, одатда, оптимизмга бир назар ташлаймиз: яқунланган йил аввалида қандай эзгу мақсадларни дилга туккан эдик-у, нималарга эришдик? Нималарга улғурмадик? Шу жиҳатдан олиб қараганда, 2021 йил халқимиз учун муваффақиятларга бой, баракали бўлди, деб қомил ишонч билан айтиш мумкин. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ўтган йилдан рози бўлсак, Яратганга ҳар қанча шукроналар айтсак, арзийди. “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” ҳаётиимизда ёрқин из қолдирди”.

Муваффақиятлар калити

Муваффақият эришиш қийин, мураккаб ишнинг шараф билан удаланиши бўлса, унинг калити, аввало, собитқадамлик, аҳиллик ва изланишда, эл-юртнинг тинчлиги ва осойишталигида.

Аниқ мақсад йўлида қатъий ишонч билан бирлашиш — барча ишларнинг аввали. “Бир ёқадан бош чиқариб” ҳаракат қилганлар эса тараққиётнинг янгидан-янги чўққиларини забт этиб бораверади. Зеро, мақсад қанчалик аниқ ва улғувор бўлса, унга эришиш шунчалик шарафлидир. Бу асрлар оша башариёт ҳаётида ўз тасдиғини топиб келаётган айна ҳақиқат.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёт йўлининг асосий устувор йўналишлари белгиланган эди.

Халқ билан бамаслаҳат ишлаб чиқилиб, тизимли равишда жорий этилган ҳамда ўзининг юксак самараларини берган ва бераётган, мам-

лакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш асосий мақсад этиб белгиланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси нафақат миллий дастуруламал, балки халқаро миқёсдаги нуфузли ҳужжат сифатида ҳам тарихдан жой олиши шубҳасиз. Буни илк бор хориж матбуотида пайдо бўлган ва халқаро миқёсда тезда кенг оммалашиб кетган “Янги Ўзбекистон” иборасидан билса бўлади.

Ҳаракатлар стратегиясининг юксак самаралари “Ўзбекистон мўъжизаси” сифатида хорижда ҳам алоҳида эътибор билан ўрганилаётганининг боиси шунда. Буни Ўзбекистонда сўнгги беш йилда узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилна сиёсат таниқли сиёсатчилар, илм-фан, маданият арбоблари, ишбилармон доиралар вакиллари, таҳлилчилар, экспертлар ва журналистлар томонидан чуқур таҳлил қилинаётгани, кенг жамоатчилик катта қизиқиш билан ўрганиётганидан билиш мумкин.

▶ Давоми 3-бетда

САМАРАЛИ ЁНДАШУВЛАР

ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН
СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК
МАМЛАКАТНИНГ ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ
МАКОНДАГИ НУФУЗИНИ ОШИРАДИ

Шиддат билан янгиланаётган замонда ихтиролар, илмий-тадқиқотлар, инновацион ғоялар, техник ишланмалар ва уларни тижорийлаштириш муҳим саналади. Айнан уларнинг қўлами ва сифати рақобатбардош, юқори даромадли маҳсулотлар яратишга хизмат қилади. Ўз навбатида, халқаро илмий лойиҳаларда иштирок этиш мамлакат илмий салоҳияти даражасини белгилайди.

▶ Давоми 5-бетда

ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР
ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ
ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
БАЁНОТИ

Қардош Қозоғистонда кечаётган сўнгги воқеалар Ўзбекистонда хавотир билан қабул қилиниб, ушбу мамлакатдаги вазият ривож диққат билан қўзатиб борилмоқда.

Ишончимиз қомил, донишманд Қозоғистон халқи мамлакатда беқарорлик авж олишига, зўравонлик ва инсонлар орасида қурбонлар юзага келишига йўл қўймайликнинг уddасидан чиқади. Қозоғистон халқи ўзаро ҳамжиҳатликни сақлаш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни тиклаш ҳамда юзага келган муаммоларни ўзи мустақил ҳал қилиш учун етарли қатъият ва иродага эгалигига ишонамиз.

Ўзбекистон Қозоғистон халқи ва раҳбариятининг мамлакат барқарорлиги ҳамда равнақи, миллат фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини чекиз қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлайди.

Ташқи ишлар вазирлиги
матбуот хизмати
ЎЗА



2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА МАНЗИЛЛИ КЎМАК

маҳалла тизими ходимларининг доимий эътиборида бўлади



Раҳмат МАМАТОВ, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Барчаси инсон қадри учун

Сўнгги йиллар тарихига назар ташлар эканмиз, Ўзбекистонда ислохотларнинг бош мезони ҳамда тараққиётнинг асл моҳияти бир мақсад учун хизмат қилаётганига гувоҳ бўламиз — **ИНСОН ҚАДРИ УЧУН!**

Хар бир инсоннинг ўз ҳаётидан тўла маънода рози бўлиб яшаши унинг шунчаки қорни тўйиб, усти бут бўлишини аниқлаётганидек, қадрларни мезони ҳам барча шароитларга эга давлат фуқароси бўлиш билан ўлчанмаслиги лозим.

Бунда фуқаролар ва жамият ўртасидаги узвий боғлиқлик ва бунинг оилалар ва инсонлар ҳаётидаги ўрни, бир сўз билан айтганда, шу юрт, шу Ватан, шу маҳалла, қўйинги, ўзининг шу оила аъзоси эканлигиндан хурсанд бўлиш, фахрланиш, менинг назаримда, тўла бахтиёрликдир.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, ҳаётий дастурлар ижроси мантиқи ҳам инсонларнинг чин маънода бахтли ва шодмон умр кечиришига қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Президентимиз томонидан 2022 йилнинг мамлакатимизда **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”** деб эълон қилингани замирида ҳам мазкур ислохотларнинг мантиқий давоми мўжассамдир. Хусусан, бунда маҳалла институтининг ўрни алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Сабаби инсон бахти ва камоли, аввало, оиладан бошланса, унинг қадри маҳаллада улуғланади, янада ривож топади.

Президентимизнинг сўнгги йилларда маҳаллани том маънода ислохотлар марказига айлантириш ва одамларнинг мавжуд муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал этишга қаратилган халқаро вазир сийбасининг амалий шериклиги, давлат раҳбарининг алоҳида маҳаллада доир бўлиб ҳаётини қўллаб-қувватлаш, бунинг натижаси уларок, ҳар бир инсоннинг ўз ҳаётидан қадр топишини таъминлаш борасида қатор режаларни амалга ошириш белгиланган.

Хусусан, жорий йилда ҳам хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини янада кучайтириш, аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, иқтидорли ёш хотин-қизлар

“Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари” каби қатор тизимлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Биргина ўтган йил давомида “Темир дафтар”га киритилган 578 минг 782 та оила вакиллари нинг оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ва бошқа йўналишлар орқали бандлиги таъминланди.

Ушбу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида Президентимизнинг 2021 йил 21 декабрдаги тегишли қарори асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга белгиланган пул маблағлари тарқатилди.

Шу каби мамлакат хотин-қизларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ишсиз аёллар бандлигини таъминлашнинг янгича тизими сифатида йўлга қўйилган “Аёллар дафтари” ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида катта ижтимоий дастур сифатида қўллаб оилаларга қувонч улашмоқда.

Хусусан, “Аёллар дафтари” орқали 75 минг 469 нафар эҳтиёжманд хотин-қизга моддий ва мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Уй-жой таъмирига муҳтож 1-гuruh ногирони бўлган 5 минг 140 нафар хотин-қизнинг уй-жойини яхшилаш учун амалий ёрдам берилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган, ногиронлиги бўлган 7 минг 350 нафар аёл ва болага 7 миллиард 528 миллион сўмлик реабилитация воситалари ажратилди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлган 26 та туманда ташкил этилган ўқув масканларида ўн мингга яқин хотин-қизлар тадбиркорликка ўқитилди.

Албатта, бевосита маҳалланинг ўзида амалга оширилаётган мазкур амалий ишлар моҳияти ва мақсади ҳам инсонларнинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ва шу орқали бахтиёр турмуш кечиришини таъминлашдан иборат.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, жорий йилга ном бериш асосида ҳам, аввало, инсон қадрини улуғлаш ҳамда бунда маҳалла институтининг фаоллигини таъминлаш энг асосий мезон этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари халқимизга йўллаган Янги йил табригида бу ҳақида тўхталиб ўтар экан, “Инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демокдир. Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутди”, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, қабул қилинаётган қарорлар ва турли дастурларнинг ҳаётидаги ижроси маҳаллада амалга ошсагина, у одамлар турмуш ҳаётида ўз аксини топади, натижа беради. Шу маънода, жамиятнинг энг пастки бўғини бўлган маҳалла ушбу жараёнларнинг нафақат марказида тургани, балки ижросини таъминлашда катта ижтимоий куч эканлиги билан ҳам алоҳида ўрин тутди.

Орзулар ушаладиган маскан

Маҳалла — жамиятимизга дахлдор барча масалаларни ҳал этишда бевосита иштирок этувчи, халқ ва давлатни бир-бирига яқинлаштириб, улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи муҳим тузилма саналади.

Давлатимизнинг барқарор ривожланиши, халқ фаровонлигининг ошиши, фуқароларимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти беқийсиз.

Шу маънода, вазирлик томонидан жорий йилда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бунинг натижаси уларок, ҳар бир инсоннинг ўз ҳаётидан қадр топишини таъминлаш борасида қатор режаларни амалга ошириш белгиланган.

Хусусан, жорий йилда ҳам хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини янада кучайтириш, аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, иқтидорли ёш хотин-қизлар

ни аниқлаш, улар билан тизимли ишлашга доир аниқ ва манзилли ишлар олиб борилади.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда истиқомат қилувчи 6 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар реабилитация воситалари билан таъминланади, минг нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизни жарроҳлик йўли билан соғлом ҳаётга қайтариш чоралари қўрилади.

Уй-жойга муҳтож аёлларнинг муаммолари ҳам маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда босқичма-босқич ҳал этилиб, жорий йилнинг ўзида 1000 нафарга яқин хотин-қизга уй-жой олиши учун бошлангич бадал тўлаб берилиши режалаштирилган. Турар жойга эга 2 минг 700 нафар аёлнинг уйлари тўлиқ таъмирлаб берилади.



“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилиб, ушбу рўйхатдаги хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Бунинг учун маҳаллаларга чиққан ҳолда, уларга манзилли психологик, ҳуқуқий ва тиббий ёрдам бериш чоралари қўрилади. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган 7,5 минг нафар хотин-қизнинг тадбиркорлик лойиҳаларини амалиётга жорий этишга ҳар томонлама қўмаклашилади.

Маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида фуқаролар йиғини раислари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорлигини янада самарали ташкил этиш бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилади. ва амалиётга жорий этилади. Бунда жиноятлар сони ошган, криминоген вазияти мураккаб маҳаллалар билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилади.

Фуқаролар йиғинларига ҳар томонлама қўмаклашиш, уларнинг иш фаолиятини янада яхшилаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида ҳар бир маҳалланинг мавжуд шароити ва имкониятлари қайта таҳлилдан ўтказилади. Ўз биносига эга бўлмаган маҳаллаларни хизмат бинолари билан таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини янада кучайтириш, соҳага ахборот-телекоммуникация тизимини кенг олиб кириш борасидаги режалар жорий йилда тўлиқ амалга оширилади.

Маҳаллаларда маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, кексалар ва ёшларнинг ўзаро мулоқотларини кўпайтириш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш, оилаларда тинчлик-товуқлини таъминлаш йўлидаги асосий фаолият йўналишларига доир қатор дастурлар босқичма-босқич ҳаётга жорий этиб борилади.

Президентимиз Янги йил муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригида маҳалла тизими орқали халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида келгусида амалга оширилиши режалаштирилган вазифаларга тўхталар экан, **“... бундан бундан ҳар бир маҳаллада самарали иш олиб бориш фаолиятимизнинг бош мезонига айланади”**, дея халқчил фикрни ўртага ташлади.

Шу маънода, инсон қадрини улуғлаш, одамларимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш ва орзу-интилишларини рўёбга чиқариш маҳалла тизимининг келгуси фаолият мезонига айланади. Бир сўз билан айтганда, маҳалла юрдошларимизнинг эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришда катта аҳамият касб этадиган муҳим маскан сифатида ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро билан манзилли иш олиб боради.

АКАДЕМИК САЙДИАХРОЛ ТЎХТАЕВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Кимё-технология соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Сайдиахрол Тўхтаев 79 ёшида вафот этди.

С.Тўхтаев 1942 йил 1 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1963 йили Тошкент политехника институтини (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тугатиб, меҳнат фаолиятини Республика азот саноати давлат институтининг Чирчиқ филиалида (ҳозирги “Ўзкимёсаноатло-йиҳа” акциядорлик жамияти) муҳандис-технолог сифатида бошлади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кимё инсти-тути аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини

химоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республи-каси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 60 йиллик илмий педагогик фаолияти давомида Ўзбеки-стон Республикаси Фанлар академияси Кимё институтида катта илмий ходим, лаборатория мудири, илмий ишлар бўйича директор ўрин-босари, Ўғитлар институтида лаборатория му-дири, бўлим бошлиғи, Умумий ва ноорганик кимё институтида лаборатория мудири, лойиҳа раҳбари ва бош илмий ходим лавозимларида самарали меҳнат қилиб, юртимизда ноорганик кимё соҳасининг ривожига, шу йўналишда юқо-ри малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳис-са қўшди.

С.Тўхтаев раҳбарлигида ўнлаб фан номзоди ва фан докторлари тайёрланди.

Заҳматкаш олим ноорганик кимё фанининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган юзлаб илмий мақолалар, бир қанча моногра-фия, қўллаб ишланма ва патентларнинг муал-лифи сифатида мамлакатимиз илмий жамоат-чилиги ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Айниқса, унинг раҳбарлигида суперфосфат, калий сульфат каби минерал ўғитлар тайёр-лашнинг илмий асослари ишлаб чиқилгани рес-публикаимиз қишлоқ ҳўжалиғи ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Академик С.Тўхтаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хиз-матлари давлатимиз томонидан муносиб тақ-дирланди. У “Ўзбекистон Республикасида хиз-мат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор” фахрий унвони ва “Шуҳрат” медали билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин ин-сон Сайдиахрол Тўхтаевнинг хотираси қалбла-римизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ВАТАН ТУЙҒУСИ АЖДОДЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИДАН ОЗИҚЛанади



Шуҳрат ҲОТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти, полковник

Бошланиши 1-бетда

Тарихимизда биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим — ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. Энг муҳими, у **“Армия ва халқ — бир тану бир жондир”** деган ҳал қилувчи тамойилни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳарбий қадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизими принципал жиҳатдан мутлақо янги асосга ўтказилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳал-лий офицер кадрлар юртимиздаги ҳарбий хизмат-чилар умумий сонининг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Офицерларни тайёрлаш эса, учта ҳарбий билим юртида, бор-йўғи учта ҳарбий мутахассислик бўйича олиб борилган. Амалга оширилган ишлар натижасида қўшимча равишда янги, замонавий ҳарбий таълим муассасалари ташкил этилди, кур-сантларни ўқитиш тизими эса, қўл тармоқли асосда йўлга қўйилди. Юқори бўгин қўмондонлик офицер-ларини тайёрлаш ҳамда мудофаа қурилиши соҳа-сида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича энг зарур вазифалар самарали ҳал этилмоқда. Бу борада, айниқса, Қўролли Кучлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети фоят муҳим ўрин тут-моқда. Шунингдек, армиянинг асосий таянчи бўлган сержантлар корпусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Илгор халқаро стандартлар асосида ташкил этилган Сержантлар тайёрлаш мак-табларида таълим 26 та йўналиш ва мутахассислик бўйича олиб боришмоқда.

Фуқароларни мuddатли ҳарбий хизматга чи-қариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Muddатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший шароитлари, озиқ-овқат таъ-миноти тўдан яхшиланди. Muddатли ҳарбий хиз-

матни ўтаб, резервга бўшатишдан ёшларнинг ишга жойлашиши ва олий ўқув юртиларига ўқишга кириши билан боғлиқ имтиёзлар тизими белгиланди. Бу-ларнинг барчаси ҳарбий жамоаларда соғлом маъ-навий-ахлоқий муҳит шаклланиб, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи кескин ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ана шу ислохотларнинг мантиқий давоми сифа-тида фуқароларнинг сафарбарлик чакирув резерви шаклидаги ҳарбий хизматни ўтатишни назарда ту-тадиган ўзига хос ноёб тизим яратилди. Бу тизимда ёшлар нафақат зарур ҳарбий тайёргарликдан ўта-ди, балки жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқа-ди. Улар ўзларининг фуқаролик масъулияти, Ватан ҳимоячиси сифатидаги муқаддас йиғитлик бурчини чуқур англаб, ўз юртига фидойи инсон бўлиб ётиша-ди. Бугунги кунда миллий армиямиз минг-минглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айлангани, ҳеч шубҳасиз, шу йўлда эришган энг катта ютуғимиз-дир. Бу ҳақиқатни юртимиздаги барча ота-оналар, бутун халқимиз гурур, миннатдорлик билан эъти-роф этмоқда.

Ҳозирги кунда оналар, бир вақтлар бўлгани каби ўз фарзандларини армияга қўзда ёш, юракда ҳаво-ти билан эмас, балки менинг ўғлим ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлади, деб, юксак ишонч ва фахр туйғу-си билан кузатмоқда. Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган тўб ислохотлар натижасида мил-лий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга айланиб боришмоқда.

Халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, армиялар ўртасидаги ва спорт бешлашувларида Ўзбекистон вакиллари ўзларининг маҳорати, руҳан тетиклиги, ғалабага бўлган интилишнинг намоён этмоқда, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканлиқла-рини яққол кўрсатмоқда. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси халқимизда, айниқса, ёшларимизда мил-лий армиямиз билан фахрланиш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий илмни ривожланти-риш борасида ҳарбий можоралар ва замонавий жанг амалиётларини ҳамда миллий ҳарбий санъат тарихини чуқур ўрганиб, қўшнларнинг тайёргарлик борасидаги усул ва услубларини янада тақомил-лаштириш вазифаларига ўстувор аҳамият бериш муҳим вазифа. Бунда ҳарбий таълим тизимида бошланган ислохотларни узвий давом эттириш, олий ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар, жумладан, “Темирбеклар мактаби” ҳарбий акаде-мик лицейлари фаолиятини янада такомиллашти-риш зарур.

Бу махсус таълим масканларида таҳсил ола-ётган фарзандларимиз қалбидан миллий рух, она Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама қучайтириш, буюк аждодларимиз, жумладан, Амир Темур, Жалолиддин Мангубер-ди, Шоҳрух мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларнинг бой жанг санъатидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тошкент шаҳрида барпо этилган “Ғалаба боғи” мажмуаси ва “Шон-шараф” музейининг ҳарбий хизматчилар, мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшлар учун ҳар-бий тарихни ва буюк аждодлар қаҳрамонлигини ўрганиш бўйича илмий марказга айлантирилгани айни мuddао бўлди. Чунки ватанпарварлик ҳисси, аввало, буюк тарихимиздан, аждодларимиз жасо-ратидан озиқланади. Мазкур вазифаларнинг бажа-рилиши мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини янада оширади, пировардида мус-тақиллигимизни мустаҳкамлаб, Ватанимиз қудра-ти, Қўролли Кучларимиз салохиятини оширишга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: 30 ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бошланиши 1-бетда

ХХР ҳукуматининг Евроосиё ишлари бўйича махсус вакили ўзининг кенг камровли маъру-заси давомида мутахассислар диққатини қатор муҳим ва долзарб масалаларга жалб этди. Хусусан, Ўзбекистон — Хитой муносабатла-ри ва турли соҳалардаги амалий шериклик, Давлат бошқаруви мавзуси, жумладан, Хитой Коммунистик партияси 19-чақириқ 6-плenumи якунлари, Хитойнинг Марказий Осиёга доир сиё-сати ва “Хитой — Марказий Осиё” доирасидаги ҳамкорлик, Минтақавий ва халқаро кун тартиби, жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон томонидан тегишли давлат идо-ралари раҳбарлари, етакчи ақл марказлари ва-киллари ўзаро муносабатининг ўзига хос жиҳат-ларини таҳлил этишди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги Буюк ипак йўли пайдо бўлган даврларда бошланган, аспрал мо-байнида давом этиб келаётган алоқалар, айниқса, кейинги йилларда мисли қўрилмаган даражада ривожланиб, мутлақо янги босқичга, стратегик ше-риклик даражасига кўтарилгани қайд этилди.

Икки давлат БМТ, ШҲТ каби қўллаб йирик халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда Хитой республикаимизнинг энг йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бири. Биргаликда турли соҳа, тармоқларда ўнлаб халқаро аҳамиятга молик лойиҳалар муваф-фақиятли амалга оширилмоқда. “Бир макон — бир йўл” ташаббуси доирасида, шунингдек, ин-фратизимни ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар, масалан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль ва темир йўллари барпо этиш режаси илгари сурилган.

Муҳокамалар чоғи бугунги кунда дунёнинг қудратли давлатларидан бирига айланган Хитойнинг иқтисодиётини ривожлантириш, кам-бағалликни қисқартириш, барқарор мақсадларга эришиш сингари умуминсоний манфаатларга хизмат қиладиган улкан тажрибасидан умумли фойдаланиш зарурлиғи эътироф этилди. Бу бо-рада ўзаро алоқани мустаҳкамлаш орқали кел-гусида биргаликда амалга ошириш мумкин бўл-ган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилганининг 30 йиллигига бағиш-лаб ташкил этилган тадбир давомида томонлар-

нинг икки мамлакат кенг қўламли ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган муайян ғоя, тақлифлари илгари сурилди.

Ташриф доирасида Хитой Халқ Респуб-ликаси ҳукуматининг Евроосиё масалалари бўйича махсус вакили Ли Хуэй бошчилигидаги делегация аъзоларини Ўзбекистон Республи-каси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов қабул қилди.

Мулоқот давомида икки томонлама ҳамда “Хитой — Марказий Осиё” мулоқоти доирасида алоқани янада фаоллаштириш истиқболи муҳока-ма қилинди. Ўзбекистон ва Хитойнинг минтақавий сиёсат йўналишидаги долзарб масалалар бўйича позицияси яқинлиги алоҳида таъкидланди.

Шу вақтгача эришилган келишувлар амалга оширилиши билан боғлиқ жорий ҳолат ва тур-ли даражадаги бўлажак учрашувлар жадвали қўриб чиқилди.

Томонлар “Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилганининг 30 йил-лигини нишонлаш дастури” доирасида ҳамкор-лик қилишга тайёрликларини билдирди.

Ғ.ХОННАЗАРОВ, УзА мухбири

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН: УЛУҒ МАҚСАД ВА МУСТАҲКАМ ИШОНЧ



Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фанлари доктори, профессор

 Бошланиши 1-бетда

Қарийб ўн беш йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз, дунёда авж олаётган қуролланиш пойгаси, экологик муаммолар, пандемия таҳдид солиб турганига қарамай, халқимизнинг бутун куч ва салоҳияти ягона улуг мақсад — Янги Ўзбекистонни барпо этишга йўналтирилганлиги эришилаётган барча муваффақиятларда муҳим омил бўлаётир.

Янги Ўзбекистон “Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” деган эзгу ғоя негизда барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилан берилган бу улугвор мақсад халқимизни янгидан-янги марралар сари руҳлантирмоқда.

“Харакатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратишга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳаси шу кунларда кенг жамоатчилик томонидан чуқур ўрганилмоқда ва муҳокама қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлашни назарда tutuvchi Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳасида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишлари белгилан берилган.

Тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топган еттига устувор йўналишининг биринчиси инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишга бағишланганда ҳам буюк ҳикмат мужассам.

Инсон қадрини улуглаш юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашни назарда тутати. Шундай улугвор мақсадлар ўлароқ ҳаётимизга янги тушунчалар кириб келаётир. “Ижтимоий давлат”, “янги маънавий макон”, “маърифатли жамият” каби атамалар шулар жумласидан.

Янги — 2022 йилнинг мамлакатимизда “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили” деб аталishi ҳам ушбу эзгу мақсаддан келиб чиқиб тақдир этилди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади”.

Глобал муаммоларга қарамай, Ўзбекистонда бугун яратилган ва яратилаётган кенг имкониятларини илгари тасаввур ҳам қилиш мушкул эди.

Таҳлилчилар кўп бор таъкидлаганидек, тарих саҳнасида Ўзбекистон деб аталган ўлка пайдо бўлганидан бери ҳали юрт аҳли ўз ҳаётида бундай кенг ва улкан имкониятлардан баҳрамандлик туймаган. Ҳар кунги, ҳар соатда янгидан-янги корхоналар юз очиб, янги технологиялар кашф этилмоқда, янги таълим, илм-фан, маърифат, маданият ва маънавийат масканлари қад ростламоқда. Тадбиркорликнинг пайдо бўлаётган янги йўналишлари ҳақида-ку, иш одамларининг ўзи ҳам ҳаяжонсиз гапира олмайди. Бугун юртимизда уларнинг сони 1,5 миллиондан ошди.

Энг самарали сармоя

2021 йилда амалга оширилган энг муҳим янгилликлар ҳақида мендан сўрасалар, ҳеч иккиланмасдан, аввало, таълим тизимидаги буюк юксалишни айтган бўлар эдим. Инсоннинг эл-юртига қиладиган энг улуг хизмати, аввало, ўз фарзандларини маърифатли этиб тарбиялаш билан боғлиқ.

Билим — куч, куч билимдadir, дейди улугларимиз. Билим — инсоннинг қадрини оширадиган энг муҳим воситалардан бири. Қадри ошганинг эса қадди доим тик, ўзига, Ватанининг келажагига ишончи мустаҳкам бўлади.

2020 йилда давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда Янги Ўйғониш — Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш ғояси илгари сурилганида жамоатчилик бу ташаббусни шунинг учун ҳам кенг қўллаб-қувватлади.

Ватан нуфузи, халқ фаровонлигини юксакларга қўтаришни мақсад қилган улугвор ғоялар одамларда катта қизиқиш ва хайрихоҳлик ўйотиши азалдан маълум. Ўтган бир ярим йил мобайнида кўпни кўрган сиёсатчилар, олимлар ва амалиётчилар томонидан талай амалий ва самарали тақдирлар айтилди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун таълим-тарбия, илм-фан, маърифат ва маданиятни муттасил ривожлантириш ғоясининг бош драйвер — локомотив сифатида танлангани ушбу ташаббуснинг ҳаётиллигини таъминловчи энг муҳим омилга айланди.

Миллатнинг илм-маърифати ошгани сари фаровонлиги юксалиб бораверади. Дунёнинг қайсики давлатида олий маълумотли мутахассислар кўп бўлса, ўша мамлакатнинг равнақи баланд, халқининг фаровонлик даражаси ғоят юқори. Япония, Канада, Жанубий Корея, Германия бунга яхши мисол. Ушбу мамлакатларда олий маълумотлилар йигирма беш ёшдан юқори аҳолининг эллик фоизидан кўп. Жаҳон тажрибасидан маълумки, энг ишончли ва самарали сармоя — инсон капиталига йўналтирилган инвестициядир.

“Биз мактабча таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий халқаси, деб биламиз, — деб алоҳида таъкидлайди Шавкат Мирзиёев. — Богча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-иждоий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таанч устунни, деб ҳисоблаймиз”.

Давлатимиз раҳбарининг донишмандлиги шундаки, мазкур соҳаларга қаратилаётган доимий эътибор, йўналтирилаётган сармоя, сарфланаётган куч-ғайратнинг муттасил ошиб бориши натижасида жамиятнинг қолган барча тармоқлари ҳаракатга келиб, ривожланиши тобора жадаллашмоқда.

Муҳими, бугун ёшлар ўртасида кенг оммалашаётган билим олиш, ўқиб-ўрганишга бўлган улкан иштиёқ, интилиш ва ишонч — бу борада амалга оширилаётган кўламли ислохотларнинг энг тотли меваси, таълим тизимидаги, илм-фан ва иқтисодиёт соҳаларидаги инқилоб, буюк юксалишнинг бошланишидир.

Ўтган қисқа вақт ичида таълим соҳасида юз берган ўзгаришлар-у янгилликларга оид ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб мисоллар рақамларни келтиришимиз мумкин. Уларнинг кўпчилиги жамоатчиликка, айниқса, ёшларимизга яхши таниш.

Бундан етти-саккиз йил бурун ёшларда билим олишга иштиёқ секин-аста сўна бошлагани сир эмас. Сабаби — олий таълим муассасаларининг талабалари сафига қўшила олишига аксарият йигит-қизлар, айниқса, қишлоқ ёшларининг қўзи етмасди. Бу бутун жамият аҳли тафаккурида

“ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ЮРТИМИЗДА ЯШАЁТГАН ҲАР БИР ОДАМНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ, ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИ НАЗАРДА TUTAДИ. ШУНДАЙ УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР ЎЛАРОҚ ҲАЁТИМИЗГА ЯНГИ ТУШУНЧАЛАР КИРИБ КЕЛАЁТИР. “ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ”, “ЯНГИ МАЪНАВИЙ МАКОН”, “МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ” КАБИ АТАМАЛАР ШУЛАР ЖУМЛАСИДАН.

ҳафсаласизлик, бефарқлик, маънавий мудроқлик, ҳатто умидсизлик кайфиятининг пайдо бўлишига олиб келиши мўқаррар бўлган.

Ўша даврда қизиқ жараёни кузатиш мумкин эди. Яъни Ўзбекистонда нуфус — аҳолининг сони-салмоғи ортгани сари олий таълим даргоҳларига қабул қовталари қисқартириб боришган. Илгари тўлов-контракт асосида ўқишга киришга молиявий аҳоли ноқор оилалар фарзандларининг қурби етмасди. Банклардан таълим кредити олиш бюрократик тўсиқлар сабаб машаққат, олгач, уни тўлаш шартлари янада мушкул бўлганини биламиз.

Бугун мазкур муҳим жараёнга назар солсангиз, ёшларга янгидан-янги имкониятлар эшик очгани ва очаётганига гувоҳ бўласиз. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, эътиборга муҳтож ёшларнинг таълим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги беш йилда олий таълимга қабул квотаси уч баробар оширилиб, 182 минг йигит-қиз учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу — умумий битирувчиларнинг олий таълимга қамрови 28 фоизга етди, дегани. Тўрт йил аввал ушбу рақам 9 фоиздан ошмасди.

Таълим тизимидаги ислохотлар ҳақида гап кетганда, тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларида бакалаврият бўйича ўқиш муддатлари 7 йилдан 6 йилга, “тиббий профилантика” йўналишида эса 6 йилдан 5 йилга қисқартирилганини таъкидлашмасдан ўтолмайман. Бўйи етган ўзбек қизи шифокор дипломини олиши учун қарийб ўн йил олий таълим муассасасига қатнаганини тасаввур қилинг.

Ўқиш муддатининг халқро таълим андозаларидан келиб чиқиб қисқартирилгани таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилмоқда.



Олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони 25 фоиз, эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони икки баробар оширилгани “Инсон қадри учун” эзгу тамойилига мос амалий ишлардан.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш мақсадида 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори баъл тўплаган 200 талаба учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилди. Бу интеллектуал салоҳияти юқори, иқтидорли талаба-ёшларни қўллаб-қувватлашнинг амалдаги ифодасига ёрқин мисолдир.

Мамлакатимизда олий таълим муассасалари сони 156 тага етди. 2016 йилда олийгоҳларнинг сони бор-йўғи етмиш етита бўлганини эсласак, миллатнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасидаги ишлар салмоғи нақадар кенг қўлам касб этаётгани аён бўлади.

Давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилди. Эҳтиёжманд оилаларга мансуб икки минг қизга бу йил олий таълим даргоҳларига ўқишга кириши учун алоҳида грантлар ажратилди. Ўқишга ҳужжат топшираётганлар ҳам икки баробар кўпайди.

“ТИЛ ЎРГАТИШ ВА ТУРЛИ ФАНЛАРДАН ҚЎШИМЧА ТАЪЛИМ БЕРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН НОДАВЛАТ МАРКАЗЛАР, ЎҚУВ КУРСЛАРИ ИЛГАРИ ЙИРИК ШАҲАРЛАРИМИЗГА ХОС ҚУЛАЙЛИК ЭДИ. ЭНДИ КАТТА-КИЧИК ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛАЛАРДА ҲАМ БУНДАЙ МАРКАЗЛАР, КУРСЛАР ВА ТўГАРЛАКЛАР ГУРКИРАБ РИВОЖЛАНМОҚДА. УЛАРДА ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН МУТАХАССИСЛАРНИНГ БУТУН ҚўЛИ ҚўЛИГА ТЕГМАЙДИ. ТАЛАБ БОР ЖОЙДА ТАКЛИФ ПАЙДО БўЛИШИ ТАБИИЙ. БИЛИМ ОЛИШГА ИШТИЁҚ ВА ИНТИЛИШ ЭСА ТОБОРА КУЧАЙМОҚДА.

Халқ таълимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритганда, ўрта мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақи уч баробар оширилгани қайд этиш зарур. Бундай ғамхўрлик мактабда юксак малакали мутахассислар, айниқса, эркак ўқитувчиларни фаол жалб қилиш имконини бермоқда. Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамлашиб, профессор-ўқитувчилари ўртача 3,5 баробар кўп маош оладиган бўлди.

Олис қишлоқларда фаолият юритаётган педагогларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларга ҳар ойда 50 фоиз қўшимча устама ҳақ тўлаш бўйича аниқ мезонлар белгилангани ҳам ислохотларнинг юксак самараларидандир.

Камарбасталик

Ёшларимизнинг онги ва ҳаётида юз бераётган ҳавас қиларли эврилишлар Соҳибқирон бобоимиз Амир Темурнинг ўғитини ёдга солиди: “Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилгай”. Бугун юксак мақсадларни кўнглига туғиб, билим чўқилари сари астойдил интилаётган серғайрат ўғил-қизларимиз эртага Ватанимиз, халқимизнинг ишонган тоғларига айланади.

Ёшлар учун кенг имконият ва шароит яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган Ўзбекистонда эришилаётган бу юртакларда узоқни қўллаб юритилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат, улкан заҳмат, излаш, донишмандлик, жонажон Ватанимиз, она халқимизга чексиз меҳр, энг муҳими, катта сиёсий ирода мужассам. Ўтган давр мобайнида ғоят долзарб, кўлами кенг дастурлар, вазифалар ҳамда лойиҳаларни ўзида мужассам этган Ҳарақатлар стратегияси белгилан олингани ва икроси тизимли равишда таъминлангани бунда муҳим аҳамият касб этди.

Бундай улкан меҳр-эътиборни ҳис этиб яшаётган бунёдкор халқимиз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган даъваткор ғояни ўзида ифода этган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Барча ўзгаришларда камарбаста бўлаётган юрдашларимизнинг бунёдкорлик салоҳияти тобора ошмоқда.

2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиши Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб борилаётган адолатпарвар сиёсатнинг халқимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ва бу сиёсат унинг орзу-истакларига мос эканлигидан ёрқин далолатдир.

Асосийси, яратилаётган қўлай шарт-шароитлар билим олиш, замонавий касб-хунарларни чуқур эгаллаш, илм-фан билан шуғулланишнинг мақсад қилган ёшларнинг танлаш имкониятини кенгайтирибгина қолмай, мамлакатимизда илмий-иждоий салоҳиятни кўтаришга ҳам самарали хизмат қилмоқда.

Улкан бахт

Тараққиёт стратегияси лойиҳасида алоҳида қайд этилганидек, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омилли ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласи бундан буён ҳам мам-

лакатимизда доимий эътибор марказида бўлади. Буни мазкур йўналишда эллик бешта аниқ чора-тадбир белгиланаётганидан ҳам билиш мумкин.

Мамлакатимиз таълим тизимида яқин истиқболда амалга оширилиши мўлжалланаётган ва-зифаларнинг кўлами ҳар қачонгидан кенг.

Хусусан, мактабча таълимнинг қамров даражаси 67 фоиздан 80 фоизга етказилса, мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратилади. Дарсликлари янгилаш учун эса давлат бюджетидан 605 миллиард сўм ажратилади.

Жорий йилнинг 1 апрелидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1-4 синф ўқувчиларини бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминлаш тизими жорий этилади. Нодавлат мактабча таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг уч миллион сўмгача бўлган тўловларидан даромад солиғи олинмайди.

Бундан ташқари, 2026 йилгача ёшларнинг олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Давлат-хусусий шериклик асосида 100 минг ўринли талабалар турар жойининг барпо этилиши ҳам яратиладиган қўшимча имкониятлар сирасига қиради. Шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш имконияти янада кенгайтирилади. Массофавий таълим шаклини жорий этиш орқали ёшларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш имконияти яратилади.

Қабул параметрини шакллантириш ва тасдиқлашни соддалаштириш, ушбу жараёнда олий таълим муассасалари ваколатини кенгайтириш назарда тутилгани олий таълим даргоҳларининг мустақиллигини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Жумладан, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини олий таълим муассасалари томонидан белгилаш тартибининг жорий этиш, 2026 йилда қабул кўрсаткичини камида 250 мингга, олий ўқув юртлари сонини эса 200 тага етказиш мўлжалланмоқда.

Инсон қадрини, Ватанимизнинг нуфузини янада юксакларга кўтариш, Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини яратишдек улугвор мақсадларга хизмат қиладиган бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

Жаҳонда рақобат тобора кучайиб бораётган бир пайтда стратегик бош мақсад — миллий тараққиёт истиқболининг тўғри белгиланиши халқимизнинг улкан бахтидир. Ҳарақатлар стратегиясининг мантқий давоми бўлган Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш сари йўл тутилгани Янги Ўзбекистоннинг энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши, халқимиз фаровонлигининг янада юксалишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Бунинг учун биз, аввало, Ватанимизда мустаҳкам қарор топган тинчлик-осойишталик, яратилаётган кенг имкониятларнинг қадрига етишимиз зарур. Айни пайтда улардан самарали фойдаланган ҳолда, бутун куч-ғайрат ва иқтидоримизни аямай, эл-юртимизнинг бугуни ва эртанги кунининг янада фаровон, янада тўқин ва осуда бўлиши учун садоқат билан хизмат қилишимиз лозим.

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

ТЕХНОПАРК — ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНING ГЕНЕРАТОРИ

Садриддин ТУРОБЖОНОВ,
Тошкент давлат техника
университети ректори

Бошланиши 1-бетда

Илм бўлмаса, ривожланиш бўлмайди. Кейинги беш йилда мамлакатимизда барча ислохотлар мана шу қатъий тамойил асосида кечди. Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки қунлариданоқ илм-фан ва инновацияларни ривожини энг устувор масала сифатида қун тартибига қўйди. Жумладан, 2017 йил 23 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Келгуси йилда илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътиборимиз марказида бўлади”, деган эди. Шунингдек, 2021 йил 6 ноябрда Президент лавозимига киришиш маросимидаги нутқида: “Ортимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак”, деб таъкидлади. Ана шу фикрлар бугун ҳаётда ўзининг амалий исботини топмоқда.

Утган йиллар давомида бу борада салмоқли натижаларга эришилди. Бугун ортимиздаги бизнес инкубаторлар, акселератор ва коворкинг ўқув курслари, IT марказлар мана шу мақсадга қаратилгани билан диққатга сазовор. Талабалар шаҳарчасида “INNO” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки ташкил этилгани юқоридаги фикримизнинг ёрқин исботи бўла олади.

Илм-фан ва инновациялар Янги Ўзбекистон тараққиётида стратегик аҳамиятга эга устувор соҳага айланди. Соҳага муносабат буткул ўзгарди. Битта илмий лойиҳани молиялаштириш ҳажми 3,5 баробар кўпайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари йирик илмий-тадқиқот марказлари ҳам бўлиши керак. Олий таълим тизимининг вазифаси фақат талабаларни ўқитишдан иборат эмас. Бундай муассасалар изчил илмий фаолият олиб бориши, ёшларни илмий тадқиқотларга жалб қилиши ва йирик лойиҳаларни амалга ошириши лозим.

Тошкент давлат техника университетида фаолият кўрсатаётган 18 та илмий-тадқиқот ва инновация марказида профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, ёш олимлар ва иқтидорли талабалар иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларини илмий-техник ривожлантиришга хизмат қиладиган

устувор йўналишларда инновацион тадқиқотлар олиб бормоқда. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизмининг йўлга қўйиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни иш ўринлари билан таъминлаш жараёнида ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларни кучайтириш мақсадида 7 та илмий-техник кенгаш фаолият юритмоқда. Юртимиз иқтисодиётининг тармоқ ишлаб чиқариш корхоналари билан 135 дан ортиқ инновацион корпоратив ҳамкорлик шартномаси имзоланган.

Университетимизда корхоналарнинг 746 дан ортиқ илмий-технологик муаммолари базаси ташкил қилиниб, улар асосида 189 дан ортиқ магистрлик, 70 дан ортиқ докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб борилди. 2021 йили университетда ишлаб чиқариш корхоналари буюртмаси асосида жами қиймати 2956,14 миллион сўмлик илмий-тадқиқот ишлари бажарилди. Уларни тижориллаштириш бўйича Навоий кон-металлургия комбинати билан қиймати 1080 миллион сўмлик 3 та лойиҳа, Олмалиқ кон-металлургия комбинати билан қиймати 280 миллион сўмлик 1 та лойиҳа, “Ўзбекнефтогаз” АЖ билан қиймати 102 миллион сўмлик 2 та лойиҳа, “Қизилкум-геология” корхонаси билан қиймати 600 миллион сўмлик 1 та лойиҳа амалга оширилди.

Илк бор давлат гранти ҳисобидан стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тизими шакллантирилди. Илмий ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун салмоқли маблағ ажратилмоқда. 2030 йилгача илм-фанни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Бугун дунёда энг қimmatбаҳо маҳсулот — тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч ёки иқтисодиётни ривожлантирувчи драйвер ҳам сўзсиз илм-фандир. Шу боис, мамлакатимиз танлаган улуғвор йўл — Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар янада жадаллашмоқда.

2020 йил 26 октябрда Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасидаги лойиҳалар билан танишиш вақтида Президентимизга Тошкент давлат техника университети ҳудудида замонавий ўқув-амалий комплекс барпо этиш лойиҳаси тақдим этилган эди. У давлатимиз раҳбари томонидан маъқулангандан сўнг амалий ишлар бошланди. Қисқа муддатда — бир йилда мазкур технопарк битказилиб, фойдаланишга топширилди.

“Inno” инновацион ўқув ва ишлаб чиқариш технопаркиннинг тўртта фаолият йўналиши белгиланган. Булар — робототехника ва мехатроника, IT технологиялар, муқобил энергетика ҳамда биотехнология.

Технопаркда мазкур йўналишлар негизида қатор лабораториялар фаолият юритиши кўзда тутилди. Жумладан:

биринчидан, механик ишлов бериш цехида энг илгор, замонавий дастоҳ ва қурилмалар ўрнатилган бўлиб, улар металл, ёғоч ва полимер материалларга ишлов бериш ҳамда улардан мураккаб деталлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган; иккинчидан, механик ишлов бериш цехида яратилган деталларни метрологик синовдан ўтказиб, стандартларга жавоб бериш даражасини аниқлаш учун стандартлаштириш лабораторияси ташкил этилиб, замонавий қурилмалар билан жиҳозланган;

учинчидан, робототехника лабораториясида ёшлар учун роботларни йиғиш жараёнида зарур бўлган барча қўлайликка эга ускуналар ўрнатилган. “KUKA” робототехника фирмасининг махсус ўқув хонаси ташкил этилган;

тўртинчидан, биотехнология лабораториясида мураккаб микробиологик жараёнлар таҳлилини ўтказиш, тупроққунослик муаммоларини ўрга-



“БУГУН ДУНЁДА ЭНГ ҚИММАТБАҲО МАҲСУЛОТ — ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ ЁКИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ДРАЙВЕР ҲАМ СЎЗСИЗ ИЛМ-ФАНДИР. ШУ БОИС, МАМЛАКАТИМИЗ ТАНЛАГАН УЛУҒВОР ЙЎЛ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ БАРПО ЭТИШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ЯНАДА ЖАДАЛЛАШМОҚДА.

ниш ҳамда ўсимликлар устида тадқиқотлар олиб бориш учун жиҳозлар, қурилмалар ўрнатилган ҳамда махсус иссиқхона қурилган.

Университетимизда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида талабаларнинг стартап лойиҳаси доирасида “Рақамли университет” тизимида қўйилган биринчи қадам сифатида “AvtoLib” рақамли кутубхона тизими яратилди. Айни пайтда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ушбу тизим мамлакатимиздаги олий ўқув юртларининг ахборот-ресурс марказларида жорий этилиш арафасида.

Ўзбекистоннинг барча ҳудуди, жумладан, чекка қишлоқ, посёлкалар аҳолисининг ҳўжалик ва турмуш эҳтиёжи учун бир вақтнинг ўзида электр энергияси ва иссиқ сув билан таъминлайдиган кўеиш когенерацион турдаги автоном фотоэлектр иқтисодик станцияси лойиҳаси ҳам қўшилди.

Тошкент давлат техника университетида робототехника ва мехатроника, IT технологиялар, муқобил энергетика ва биотехнология йўналишлари бўйича бажарилаётган инновацион лойиҳалар асосида тегишли инновацион технопаркда ташкил этиладиган ўқув, амалиёт, ишлаб чиқариш хоналари ва уларда ўрнатиладиган ускуналар ва жиҳозлар тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилди.

Технопаркини қурувчи компания раҳбарлари билан Тошкент давлат техника университети раҳбарияти ўртасида ўтказилган учрашувда инновацион технопаркиннинг ҳар бир йўналиши бўйича амалиёт ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ хоналарни муассасида олиб борилаётган, тижориллаштиришга тайёр ҳолатдаги лойиҳалардан

келиб чиқиб жиҳозлаш масалалари юзасидан келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбарининг Инновацион ўқув ва ишлаб чиқариш технопарки очилишига бағишланган тадбирга ташрифи чоғида Тошкент давлат техника университети талабалари, магистрант ва докторантларининг энг яхши деб танланган 8 та стартап ва тижорий лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Президентимиз тақдим этилган лойиҳаларни маъқуллади. Бу олдимизда турган илмий мақсадларимизнинг дебочасидир. Жамоамизда катта ихтиролар, кашфиётларга қодир ёшлар кўп. Уларнинг янги ғоя ва лойиҳаларга қўл уриб, амалий натижага эришиши учун барча шарт-шароит ва имконият мавжуд.

Президентимиз ҳузурда 2020 йил 3 декабрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида университетимиз олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Навоийазот” АЖ, “Фарғонаазот” АЖ, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ, “Бекободцемент” АЖ ва “Қувасойцемент” АЖ каби йирик табиий газ ва электр энергияси истеъмолчилари буюртмаси асосида мавжуд технологиялардан фойдаланиб, энергетика-ҳамкорлиқни ошириш ҳамда Муборак, Шўртан ва Газли нефть-газ конларида йўлдош газларда ишловчи кичик қувватли иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш бўйича илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш учун мазкур ташкилотлар мутахассислари, раҳбарлари ва университетнинг юқори малакали олимлари ўртасида бир неча маротаба учрашув ўтказилди. Қўшма ишчи гуруҳларнинг жойлардаги ҳолатни чуқур таҳлил қилиш учун уюштирилган хизмат

сафарлари натижасида олимларимиз томонидан 14 та лойиҳа бўйича аниқ тақлифлар билдирилди. Ишчи гуруҳ таркибига киритилган олимлар тақдим қилган лойиҳалар “Ўзбекнефтогаз” АЖ томонидан қўриб чиқилиб, молиялаштириш учун 3 таси Инновацион ривожланиш вазирлигига тасвია этилди.

Тошкент давлат техника университети кафедраларида олиб борилаётган, умумий қиймати 20,543 миллиард сўмлик 45 та инновацион илмий тадқиқот ишининг маълумотлар банки яратилган. Шу билан бирга, йирик саноат корхоналаридан мамлакатимиз иқтисодиётининг истиқболли технология ривожланишига доир техник ва ташкилий муаммоларни қамраб олган 63 та инновацион лойиҳа рўйхати шакллантирилган.

Ёш олимларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш учун “ғоя — ташаббус — имконият” инновацион клуби ташкил этилди. Университетимизнинг ёш олимлари ва талабаларининг илмий ғояларига асосланган жами 59 та стартап лойиҳа танланди. Шулардан 23 таси кафедралардаги инновацион гуруҳларда яратилган лойиҳалардир. 12 та стартап лойиҳа ишлаб чиқаришга тайёр ҳолатга келтирилган, 15 таси акселерация босқичидан ўтказилган ва яна 20 дан ортиқ стартап лойиҳа устида изланишлар давом эттирилмоқда.

Маълумотларга қўра, интеллектуал мулк улуши Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12 фоизини ва Россияда 7 фоизини ташкил этади. 2020 йил 12 октябрь куни бўлиб ўтган йиғилиш мавзусини давлатимиз раҳбари “Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш Учинчи Ўйғониш даври учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилади”, дея номлаган ҳамда патент эгалари ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлиқни таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган. Жорий йилда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижалари асосида университетимиз профессор-ўқитувчилари ва олимлари томонидан 20 та ихтиро ва фойдали модель учун патент, 1 та товар белгиси учун гувоҳнома ва 62 та дастур учун гувоҳнома олинди. Интеллектуал мулк объектларига патент бериш учун қўшимча 4 та ижобий қарор олинди ҳамда 50 дан ортиқ талабнома Интеллектуал мулк агентлигига топширилди.

Тошкент давлат техника университети профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари ва талабалари технопарк билан ҳамкорликда қурилмаларни ишга тушириш жараёнларида бевосита иштирок этди ва барча йўналишларда янги ишланмаларни амалиётга жорий қилишга бел боғлади.

Шундай аниқ мақсадлар сари университетимиз профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли ёшларининг фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўғун ҳолда олиб бораётган илмий ишлари ва кенг қамровли фаолиятининг самараси Тошкент давлат техника университетининг иккинчи бор халқаро миқёсда эътироф этилишида яққол акс этди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингига биринчи 1000 та олий таълим муассасаси рўйхатига камида 10 та олий таълим муассасасини киритиш кўзда тутилган. Бу борада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда барча олий таълим муассасалари мақсадли режалар асосида иш бошлади ва “Ривожланиётган Европа ва Марказий Осиё давлатлари олий таълим муассасаларининг 2022 йилги рейтингини” эълон қилди.

Қувонарлики, QS минтақавий рейтингига қайд этилган Ўзбекистон университетлари кетма-кет иккинчи йил ўзи ўрнини янада мустаҳкамлади ва юқори поғоналарга кўтарилди. Бу давлатимиз раҳбари томонидан Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва Учинчи Ренессансга мустаҳкам замин яратиш борасида олий таълим тизимидagi шиддатли ислохотлар ривожланишининг янги босқичига кўтарилаётганидан далолат беради.

ИШБИЛАРМОНЛИК

Усмонали НОРМАТОВ,
журналист

Термиз туманидаги “Қаҳрамон” маҳалласида яшовчи 32 ёшли Сафарали Маматов болалигидан томоққада меҳнат қилиб катта бўлган. Отаси Ҳаким муаллим фарзанд тарбиясида қаттиққўл эди. Фарзандларидан фақат ўқишни талаб қилар ва бўш вақтларида томоққада ҳар хил सबзавотлар етиштириш сирларини ўргатарди. Олий маълумотли бўлишни ният қилган Сафарали Тошкент ахборот технологиялари университетини битирди. Ёш мутахассис тўрт йилдан ортиқ вақт “Ўзтелеком” АЖнинг Термиз шаҳри филиали, Термиз темир йўл бошқармаси ҳамда Термиз аэропортида турли вазифаларда ишлади.

Бир куни тушлик пайтида овқатланиб ўтирганда, телевизорда тошкентлик тадбиркорнинг фаолияти ҳақида лаъна намоиш этилди. У бедана етиштириш билан шуғулланар экан. Сафарали шу ишга қизиқиб қолди, парранда боқиш-

га ҳаваси келди. Бир ишни бошлашни астойдил истаган ва шунга интилган инсон, албатта, имкон топади. Сафарали тадбиркорнинг манзилини излади, у Юнусободда яшар экан. Телефон орқали у билан суҳбатлашди. Келишув бундай бўлди: Сафарали тадбиркорнинг хусусий фермасида маошсиз ишлайди, эвазига бедана боқиш сирларини ўрганади ва ётоқ билан таъминланади.

Сафарали икки ой тадбиркорнинг фермасида ҳам меҳнат қилди, ҳам бедана боқиш ва маҳсулдорлигини ошириш сир-асорларини ўрганди. Уйга қайтгач, ҳовлисида 6х5 метр ўлчамли каттак қуриб, Самарқанд вилоятидан бир ойлик мингта бедана жўжасини келтириб парваришлади.

Бемор тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади, деганларидай, хонадонига томоққачиларга имтиёзли кредит ажратамиз, деб банк ходимлари ҳамда вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси вакиллари келиб қолди. Улар Сафаралининг бедана боқаётганини қўриб, унга инвестиция дастури асосида беданачилликни ривожлантириши учун уйига яқин жойдаги “Янгиер” маҳалласида 20 сотих ер ва “Микрокредитбанк”нинг Термиз тумани филиалидан 70 миллион сўм имтиёзли кредит олишда ёрдам берди. Бу маблағга ва ажратилган ерга ёш тадбиркор узунлиги 70 метр, эни 8 метрли бино қурди. Иморат ичида ҳарорат мўътадил бўлиши учун керакли



жиҳозлар ўрнатилди. Бино ичига симтўрдан ясалган, ҳар бирига 300-400 бедана сиғадиган каттакчалар уч қават қилиб жойлаштирилди. Симтўр орасига полиэтилен қувурчалар орқали сув ўтказилди. Ем тарқатиш ва туҳумни йиғиб олишга туноқадан алоҳида-алоҳида мосламалар қилинди. Қисқаси, бир ишчи беданаларга ҳам ем бериши, ҳам туҳумини йиғиб олиши учун шароит яратилди.

Самарқанддан беш мингта бедана жўжаси ва витаминлаштирилган сифатли

омихта ем келтирди. Тез кунда туҳумга кирган жониворлар баъзи кунлари 2 минг донагача туҳум қўярди. Бироқ туҳумини сотиш Сафаралига осон кечмади.

Секин-аста маҳсулотга харидор кўпайди, мижозлар сони ортди. Икки-уч ойдан кейин ресторан, ошхона эгалари, дўкондорлар ва ошпазлар Сафаралига буюртма бера бошлашди. Шу тариқа беданабоқарнинг иши юришиб кетди. Даромаднинг бир қисмини кредитни қоллашга, ярмини

рўзғори ва жониворлар парваришига сарфлади.

Бир ярим йилдан сўнг анча маҳоратли ва тажрибали Сафарали Маматов жониворлар ва туҳумини янада кўпайтириш, даромадига даромад қўиши чорасини излади. Бедана жўжаларию витаминлаштирилган омихта емни Самарқанддан келтирилган, жуза, инкубация харид қилиб, жуза очириш ва омихта емни ўзи тайёрлаб харажатларини камайтириш, шу усулда беданачилликни рентабелли тармоққа айлантиришга киришди.

Банкдан олинган аввалги кредитни тўлаб бўлган, Миллий банкнинг Термиз шаҳри филиалидан 180 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Бу маблағга инкубация цехи, омихта ем тайёрлаш ускуналарини харид қилди. Фермер ҳўжалиқларидан ижарага галладан бўшаган ер олиб, макакжўхори, тарик, ерёнғоқ ва бошқа экинлар ўстирди. Донли маҳсулотларга турли озуқавий қўшимчалар қўшиб, сифатли ем тайёрлади. Инкубацияда ўзи парваришлаётган беданалар туҳумларидан жуза очирди.

Қарабсизки, беданачиллик тадбиркорига ҳар жиҳатдан фойда келтира бошлади. Айни пайтда Сафарали ташкил этган беданачиллик фермасида 7 мингдан зиёд япон ва манжур зотли бедана боқияпти. Жониворлар ҳар куни 5,5-5,8 минг донагача туҳум бермоқда.

— Бедана туҳуми инсон организмига ҳар томонлама фойдали ва холестерин-

сиз эканини одамлар тобора англаб етмоқда, — дейди Сафарали Маматов. — Туҳумларни Термиз шаҳри, Ангор, Жарқўрғон, Термиз, Қўмқўрғон, Музабат туманлари аҳолисига сотяпмиз. Дастлабки пайтда ресторан, ошхона, дўкондорларга туҳумини ялғини топширган, улар истаган баҳода берган бўлсак, энди мижозларимизнинг ўзи ҳар куни буюртма қилапти.

Айни кунларда ёш тадбиркор бедана парвариши билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шаклларга туҳумлардан жуза очиб берапти.

Термиз туманидаги Учқизил қўргонда ишбилармонлар томонидан яқинда қурилиб, фаолиятини бошлаган “Самикс” корхонаси вилоятдаги барча паррандабоқарлар қатори Сафарали Маматовнинг ҳам мушқулчини осон қилмоқда. Чунки янги корхона жамоаси барча турдаги парранда ҳамда чорва моллари учун сифатли ва сара витаминлаштирилган омихта ем ишлаб чиқармоқда.

Ёш тадбиркор ҳозирча ўзидан ташқари Баҳром Бобоназаров, Меҳринисо Шомуродова каби ёшларни иш билан таъминлади. Шунингдек, у етиштирилаётган бедана туҳумидан минггла кишилар баҳраманд бўлмоқда. Келгусида Сафарали қўшимча ер олиб, қуён боқиш-ни ҳам йўлга қўймоқчи.

Сурхондарёда паррандачиллик ва чорвачилик билан шуғулланиш, аҳолининг туҳум, гўшт ва сутга бўлган эҳтиёжини қондириш, шу билан бирга, ўзларини ҳамда қўни-қўшиларини иш билан таъминлашда ишбилармон ёшларга молиявий муассасалар томонидан кредит ажратилаётгани ва маҳаллий раҳбарлар уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани муҳим омил бўлмоқда.

ИЛМий ва инновацион соҳалардаги ҳамкорлик мамлакатнинг глобал иқтисодий макондаги нуфузини оширади



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, инновацион ривожланиш вазири

Бошланиш 1-бетда

Илмий ишланма ва технологик янгиликлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини боғловчи механизмга айланган ҳозирги даврда мазкур соҳаларда ҳамкорлиқни кенгайтирмай туриб, жаҳон бозорларида рақобатбардошликка эришиб бўлмайди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ҳам илм-фан ва инновациялар соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Вазирлик фаолияти самардорлигини ошириш ва илгор хорижий тажрибаларни жорий этиш мақсадида Германия, АҚШ, Қозғожон, Австриядан юқори малакали хорижий мутахассислар маслаҳатчи сифатида жалб қилинди.

Фан ва инновациялар соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида Буюк Британия, Венгрия, Германия, Ҳиндистон, Қозғожон, Хитой, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Туркия, Япония билан ҳукуматлараро битимлар имзоланди. БМТ, Жаҳон банки, ЮНЕСКО, Исроом тараққиёт банки, Европа иқтисодий комиссияси, МДҲ, ШҲТ ва бошқа ташкилотлар билан яқиндан алоқалар ўрнатилган ҳал соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Қўшма лойиҳалар иккала томоннинг ҳам умумий манфаатларига хизмат қилади. Исроил, Туркменистон, Эрон, Беларусь, Россия, Венгрия ва ЕАҲ (Евроосиё илмий-тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш уюшмаси) билан ҳамкорлик доирасида 2022-2023 йилларда юздан ортиқ халқаро тадқиқот лойиҳасини молиялаштириш режалаштирилган бўлиб, улар қўшма қўлчилиги ва техника каби аҳамиятли соҳалардан тортиб, сунъий интеллект ва ген муҳандислик каби замонавий юқори технологияларга қамраб олади.

Вазирлик томонидан эълон қилинган фундаментал лойиҳалар танловларига қўйилган талаблардан бири хорижий экспертларни лойиҳага ҳамраҳлар этиб жалб қилишдир. Хориждаги нуфузли университет ва илмий марказларда фаолият кўрсатаётган, лойиҳа мавзуси йўналишида муҳим натижаларга эришган, Хирш индекси 5 ва ундан юқори бўлган етакчи олимлар ҳамраҳбар сифатида белгиланиши тадқиқотларнинг янада сифатли бўлишини таъминламоқда. Масалан, Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика маркази ҳамда Россиянинг Курчатов институти ўртасида узумнинг янги навларини яратиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, геном ахборотлари асосида узум селекцияси учун янги авлод технологиялари яратилади.

Докторантура, стажёр-тадқиқотчилик ва малака ошириш илмий фаолиятнинг ажралмас қисмидир. 2021 йилда фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражасини олиш учун 1 800 киши қабул қилинган бўлиб, бу 2019 йилдаги кўрсаткичдан 65 фоиз кўпдир. Вазирлик томонидан бу йўналишда ҳам халқаро алоқалар кенгайтирилмоқда. Хусусан, Венгрия, Россия, Беларусь ва Туркия давлатлари билан ҳамкорлик натижасида ўзбекистонликлар учун хорижда 150 тага яқин мақсадли квота ажратилишига қилишмоқда.

Изланишларнинг натижалари нафақат Ўзбекистон, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам аҳамиятли бўлиши зарур. Бундай халқаро даражани таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги ёш олим ва мутахассислар хорижий давлатларга бориб, уларнинг тажрибасини, инфратузилма ҳамда ютуқларини ўрганишади. Айтиш жоиз, 2019-2020 йилларда 231 нафар ёш олим АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Беларусь, Жанубий Корея каби 21 та давлатга юборилди.

2021 йилнинг 9 ойида ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаларини ташкил этиш мақсадида 5 маротаба танлов ўтказилиб, 37 нафар ёш олимни 6 та хорижий давлатга юбориш учун 1,9 миллиард сўм сарфланди.

СТАРТАП ЭКОТИЗИМИ ЯНГИЛИК ЯРАТИШДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Бутун дунёда инновация ва стартап бир-бири билан чамбарчас боғлиқ атамаларга айланган. Стартаплар билан бугун мавҳум гоёларни ҳақиқий маҳсулот ва хизматларга айлантириш мумкин ва бунда илм-фаннинг ўрни катта.

Стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида биргина 2021 йил давомида жами 4 та танлов эълон қилинган бўлса, уларнинг 2 таси қўшма халқаро стартап лойиҳалар танлови экани аҳамиятли. Булар Россия Федерацияси Инновацияларни рағбатлантириш жамғармаси ҳамда Венгрия Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган танловлардир. Бугунги кунга қадар 10 га яқин лойиҳа учун Ўзбекистон томонидан қарийб 8 миллиард сўм ажратилган бўлиб, натижада ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги маҳсулот ва хизматлар яратилган.

Ҳар йили онлайн форматда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)нинг Стартап форуми бўлиб ўтади. 2021 йилда Ҳиндистон томонидан онлайн форматда ўтказилган форумда стартапларнинг ўзаро кўп томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган пленар сессия, семинар, тажриба алмашиш учун маълумотлар базаси, етакчи хинд инкубаторлари бўйлаб виртуал турлар ташкил этилди.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг бир-бири билан боғлашда муҳим бўлган технологик парклар фаолиятини йўлга қўйишда Туркия, Венгрия ва Хитой билан яқин алоқалар ўрнатилган. Хусусан, Ўзбекистондаги энг йирик технопарк — “Инно” менежментига Туркиянинг энг йирик технологик паркларидан бири бўлган “Йилдиз” муассасаси мутахассислари жалб қилинган. Технопаркларда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бир қаторда тайёр технологияларни хориждан олиб кириш, яъни трансфер қилиш амалиётидан ҳам фойдаланилганди. Шу ўринда Словакия билан ҳамкорликда ўпканинг сунъий вентиляцияси аппаратлари ишлаб чиқариш технологиялари жорий қилинганини ёдга олиш ўринлидир. Ўзбекистонга инвестиция олиб кириш ва янги юқори қийматли иш ўринларини яратиш билан бирга ушбу технологиянинг трансфери коронавирус инфекцияси оғир аҳволга олиб келган вазиятларда қўллаб инсоннинг ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Яна бир мисол. Исроилдан сунъий йўлдош орқали сув қувурларини ўрганиш ва рақамлаштириш технологияси трансфер қилинди. Натижада Тошкент шаҳрининг ўзида 3 760 та сувнинг сизиб чиқиш нуқтаси аниқланди ва деярли 5 миллиард сўм зарарнинг олди олинди.

Илмий фаолият давомида лаборатория жиҳозлари ва қурилмалари ҳамда мунтазам ривизда реагент, реактив ва бошқа хомашёлар талаб этилади. Ушбу эҳтиёжни қондириш мақсадида Германиянинг “LMS Consult” ва “Medeg Warenhandels” компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, махсус омборхона ва илмий-тадқиқот институтларига хизмат кўрсатувчи лаборатория ташкил этилмоқда. Бу соҳа олимлари фаолияти учун қўллаб қўлайликларни туҳфа этади.

Албатта, ҳар қандай илмий лойиҳани амалга ошириш катта маблағ талаб қилади. Бундай вазиятда мамлакатимиздаги илм-фан, технология ва инновацияларни ривожлантириш манбаларини диверсификация қилиш муҳим саналади. Бунинг учун вазирлик хусусий сектор ва хорижий сармояларни жалб қилиб келимоқда.

Ўзбекистон ва Хитой томонидан молиялаштириладиган қўшма грантлар, шунингдек, ёш олимлар алмашинуви натижасида коронавирус пандемияси бошланган даврда Инновацион ривожланиш вазирлиги COVID-19 га қарши курашда катта ҳамкорлик дастурини амалга оширишга киришди. Хусусан, дори-дармон, тест тизимларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар қилинди. Айни кездә вакцина яратиш ва ундан фойдаланиш лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келди. Бу даврда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илгор технологиялар марказининг Хитой Фанлар академияси Микробиология институти билан ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, “Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co. Ltd” фармацевтика компанияси билан саноат ҳамкорлиги бошланди.

Илгор технологиялар маркази ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-текшириш институти олимлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ва ташкилий ишлар туфайли Хитой Ўзбекистонни ҳаммуаллиф сифатида тан олди ва вакцинага ZF-UZ-VAC2001 номини бериш тўғрисида қўшма қарор қабул қилинди. Бу ютуқ мамлакатимизга ўз вакцинасига эга давлатлар қаторига кириш имконини берди.

Хитойлик ҳамкорлар иштирокидаги лойиҳалардан яна бири Хитой Фанлар академияси ҳамда Шинжон физика ва кимё институтининг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳисобига амалга оширилиб, мамлакатимизда доривор усумликларни синтез қилувчи ва йилгига 36 миллион долларга тенг миқдорда фармацевтика маҳсулотлари учун қайта ишланган хомашё тайёрловчи корхонадир.

Шунингдек, илм-фанни молиялашнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида венчур молиялаштириш белгиланди ва дастлабки устав жамғармаси 15 миллиард сўм бўлган миллий венчур фонди ташкил этилди. Ушбу жамғарма юқори технологияга асосланган кичик корхоналарни молиялаштириш, уларни кенгайтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, Корея саноат технологиялари институти билан мис саноатига технологиялар трансфери, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, илм-фан ва инновация бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги 400 гектар майдонда “Ақли шаҳар” барпо қилиш учун ҳам ушбу мамлакатнинг йирик компаниялари жалб қилинган. Бунинг учун Жанубий Корея ҳукуматининг “Ақли шаҳарсозлик” дастури доирасида грант маблағлар ажратилади.

Ўзбекистон улкан илмий салоҳиятга эга мамлакат. Мазкур йўналишдаги халқаро ҳамкорлик имкониятларимиз янада кенгайишига, юқори марраларга эришишимизга хизмат қилади. Илм-фан ва инновациялар соҳасидаги халқаро ҳамкорлик янги иш ўринлари яратишда, аҳоли фаровонлигининг ошишига, мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммолар бартараф этилишига, табиий ресурслардан оқилонга фойдаланишга йўл очиши керак. Бунинг учун алоқалар ўрнатилган мамлакатларнинг ривожланган соҳа ва тармоқлари кўпроқ эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Мисол учун, Россия, Италия ва Чили билан узумчилик ва виночилик соҳасида ҳамкорлик кенгайтирилди, Ҳиндистон билан биотехнология ва уруқчилик соҳаси ривожлантирилади. Қардош турк халқи билан барча соҳаларда алоқалар кенгайиб бораётганига қарамай, технопаркларни ривожлантириш ва ахборот хуружига қарши курашиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг глобал иқтисодий макондаги нуфузини юксалтиришда илмий ва инновацион соҳалардаги халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Қолаверса, бу борадаги ишлар глобал инновацион индекс кўрсаткичлари юқорилашига ҳам хизмат қилади. Илгор инновацион технологиялар эса миллий иқтисодиётимизнинг самарадорлиги ва меҳнат унумини оширади.

ЯНГИ ТИЗИМ — ЯНГИ ИМКОНияТЛАР

Бунёдкорликларга қанот бўлаётган ислохот

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Кейинги йилларда маҳалла фуқаролар йиғинларига бўлган эътибор ва ғамхўрлик кўлами ошди, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари янада кенгайди. Жойларда “маҳаллабай”, “хонадонбай” тизимлар йўлга қўйилгани аҳолининг кундалик турмуш тарзини ўрганишда, муаммоларни ҳал этишда кўл келмоқда. 2022 йил юртимизда “Инсон қадрини улғушлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилинганида ҳам катта маъно мужассам.

Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони дунёда ўхшаши бўлмаган халқчил тузилма иш самарадорлигини оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Маҳаллада тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса маҳалла институтининг имкониятини янада кенгайтирди.

Ушбу ҳужжатлар асосида жорий йил 1 январдан бошлаб ҳар бир маҳаллада туман (шаҳар) ҳокимининг тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозими таъсис этилди.

Таъкидлаш лозимки, ҳоким ёрдамчиси фаолияти ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳар бир масалага тепадан эмас, қуйида мавжуд ҳолат асосида ёндашишга йўл очади.

Фарғона вилоятида ҳам бу лавозимга маҳаллада ҳурмат-эътибор топган, маҳалладошлари ҳаётини яхши биладиган, ҳокимият, иқтисодиёт, инвестиция, солиқ, молия, банк идораларининг республика, вилоят, туман бўлимларида ишлаб, тажриба тўплаган, олий маълумотли мутахассислар танлаб олинди.

Шу кунга қадар республика ишчи гуруҳи вакиллари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ҳоким ёрдамчилари лавозими учун 1 минг 924 номзод билан суҳбат ўткази-

“ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ “ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР” ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АҲОЛИНИ КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ ВА СУБСИДИЯЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЁШЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШГА МАБЛАҒ АЖРАТИШ ВАКОЛАТИГА ЭГА. ШУНИНГДЕК, БАНДЛИККА КЎМАКЛАШИШ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРНИНГ БАРЧАСИГА ТЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТИЛАДИ ВА ЙИЛИГА 15,6 МИЛИАРД СЎМ СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ.

либ, энг салоҳиятли 1055 нафари танлаб олинди, — дейди маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокими ўринбосари Баҳодир Холиков. — Уларнинг 722 нафари ёки 67,5 фоизи шаҳар ва туман, 101 нафари ёки 10 фоизи вилоят даражасидаги ташкилотларда ишлаётган малакали мутахассислар эди. Бундан ташқари, ишлаш истиғини билдирган, тадбиркорлик соҳасида етарли билим ва тажрибага эга бўлган салоҳиятли 129 нафар тадбиркор ҳам бу ишга жалб қилинди. Ҳоким ёрдамчиларига ўзларига юклатилган вазифаларни вақтида, сифатли бажариши ҳамда халқимизни рози қилиши учун молиявий дастаклар берилди. Улар маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда бевосита иштирок этади. Ҳоким ёрдамчилари “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида аҳолини кредит ресурслари ва субсидиялар билан таъминлаш, жамоат ишларини ташкил этиш ҳамда ёшларни касб-ҳунарга ўқитишга маблағ ажратиш ваколатига эга. Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шаҳар ва туманларнинг барчасига тенг имкониятлар яратилади ва йилгига 15,6 миллиард сўм субсидия ажратилади. Ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб қилиш орқали ҳар бир маҳалладан 25 нафардан фуқаро, жами 26 минг ишсининг вақтинча бандлиги таъминланади. Ҳар бир маҳалладан 40 нафардан фуқаро касб-ҳунарга ўқитилади. Бу бир йилда 41 минг 640 нафарни ташкил этади.

Ҳоким ёрдамчиси хонадонбай сўровлар ўтказиш орқали маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини ишлаб чиқади, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида кредит, субсидия, моддий ёрдам ва нафақалар ажратилиши бўйича ҳулосалар беради, “ижтимоий шартнома”ларни имзолаш ҳамда шартнома шартлари бажарилишини таъминлайди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, мавжуд муаммоларни мижозбай ўрганиш ҳамда ҳал этиш орқали тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишда кўмакчи бўлади. Маҳалланинг иқтисослашуви ва “ўсиш нуқталари”дан келиб чиққан ҳолда, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, маҳаллаларда “лидер тадбиркор”лар ва хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш орқали аҳолини доимий даромад манбаи билан таъминлаш чораларини қўриш, маҳаллада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларига амалий ёрдам кўрсатиш, маҳалланинг барча масалаларни ҳал қилиш чораларини белгилаш сингари ваколатларга ҳам эга. Бу эса муаммоларни эрта аниқлаш ва ечим топишда катта имкониятлар яратиб берапти.

Бир неча йил иқтисодиёт, банк соҳаларида ишлашди. Очиқ танловда иштирок этиб,

— Маҳаллаимиз туман марказидан 15 километр олисда жойлашган. Бу ерда қарийб 3 минг аҳоли яшайди. Иш фаолиятини маҳалланинг “ўсиш нуқтаси”ни аниқлашдан бошладим. Худуд оқсоқоллари, ёшлар билан мустақам алоқа ўрнатдим. Томорқачилик ва чорвачилиқни ривожлантиришга ҳар жиҳатдан қулай. Лекин мавжуд имкониятлар ишга солинган йўқ. Томорқалардан самарали фойдаланишини ташкил қилиш, улардан йилгига икки-уч мартагача ҳосил олиш мумкин. Бу орқали қанча одам ишли бўлади, оилаларга барака қиради. Томорқадан самарали фойдаланган одам боқимонда эмас, бой бўлади. Айтиш жоизки, аҳолининг томорқачилиқни, тадбиркорлиқни йўлга қўйиш борасидаги муаммолари, ёшларни ўйлантираётган масалалар етарли. Қисқа муддатда 22 нафар ёшга томорқачилик, чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун 500 миллион сўмдан ортик имтиёзли кредит олишга кўмаклашдик. Қуни кеча Янгичек кўчасида юзлаб хонадон эгаларининг тоза ичимлик сув таъминотидаги муаммоларини ҳал этиш мақсадида янги сув қудуғи қазилди. Мулкбод кўчасига шағал, асфальт ётқизилди. Ёшларга ҳунарсан ўргатиш мақсадида чеварлик йўналишида “уста — шогирд” мактаби фаолияти йўлга қўйилиб, 30 нафардан ортик ёшнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”га қиритилган 115 нафардан ортик фуқаронинг ижтимоий фаоллиги оширилди. Айни пайтда мутаассадди ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллани ўзлуксиз электр энергияси билан таъминлаш муаммоси ечимига эътибор қаратганимиз.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла ҳаётига жорий этилган янги тизимда иш бошлаган ҳоким ёрдамчилари шаҳар ва қишлоқларда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ташаббусларига бош-қош бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси атоқли давлат ва жамоат арбоби, меҳнат факхрийси Қаллибек КАМАЛОВга турмуш ўртоғи

Любовь Семёновна КАМАЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Мурат Қаллибекович КАМАЛОВга онаси

Любовь Семёновна КАМАЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изхор этади.



Абдуҳамид МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси,
халқ таълими аълочиси

Шунинг учун бўлса керак, кўпни кўриб, ҳаётнинг катта қозонида ҳўп қайнаган кексаларимиз ҳар бир дуосида “барака берсин”, деган тилакни қайта-қайта тасдиқлайди. Ҳа, Яратганнинг ўзи барчани баракадан айирмасин...

Янги Ўзбекистон деганда нимани агламоқ лозим?

Баландпарвоз савол ташланибди, деб маломат қилишга шошилманг.

Келинг, шу саволга биргалашиб жавоб қидирайлик.

Саҳобийлардан бизгача етиб келган бир гап бор: “Эшитдик ва итоат қилдик”. Шундай бўлмаса, эътиқод дарзалиб, жамият пароканда, ёшу қари бир-бирига итоатсиз, халқдан ҳаё кўтари-лар даражадаги бир аҳвол юз бериб, кишиларни ишончдай муқаддас неъмат тарқ этар экан. Шу боис, бугунги ўзбек халқининг ҳар бир вакилидан

ДИЙДОР

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Туман ҳокимлигининг катта залида юракдан ўйнаган куни Қосимбек отага кўз тегди-ёв. Маҳалладаги тўй-ҳашамда қарнай-сурнайга ҳам завқ билан ўйнаган одам Тошкенти азимдан таниқли меҳмонлар келиб, қўшиқ айтса ўйнамайманми, деб саҳнада савлат тўкиб ҳамманинг ҳавасини келтирди-да, ўзиям. “Отаҳон, нечага кирдингиз, қойил-эй, саксонни қоралаб қолсангиз ҳам ёшлардан бардамсиз”, деганлар ҳам кўп бўлди. Ҳокимликда ишлайдиган бир йигит келиб, сизни вилоятга олиб чиқаман байрамларда, деб чолингизнинг манзилани ҳам ёзиб олди”.

Чекка Қўрғонтепа туманининг Чимён қишлоғилик Рисолатхон ая таниш-билиш, кўни-қўшниларнинг бу гапларидан ўзи билган дуоларни ўқиб, ирим-сиримини қилган бўлди-ю, барибир дори-дармонсиз иш битмади. Пойтахтлик меҳмонлар келган кунлари ҳаво совуқроқ бўлгани учунми, оксоқол шамоллаб қолган экан. Шунда ҳам кўнглида шижоат, “трипп, йўталдан халос бўлсам, Тошкентга — артистларнинг иш жойларига ҳам бориб, уларни яна бир кўриб келаман, насиб қилса”, деб ётган экан.

Ўзбек миллий академик драма театри артистлари билан учрашган яна қанча-қанча қўрғонтепаликлар театр томошаси учун ҳам Тошкентга боришни дилга тугиб қилган бўлса не ажаб...

Пандемия санъатга ташналикни оширди

Одатда, қишлоқ одамлари тантти, соддадил бўлади-да. Туман ҳокими тақлифи билан таширф бўюрган театр артистлари хурматини қўрғонтепаликлар ортиси билан жойига қўйишди. Дастхат олишга навбатда турганлар-ку ўз йўлига, санъаткорлар билан учрашувга қайтадан киргиси келганлар ҳам оз бўлмади.

Тўғри, Қўрғонтепа эстрада хонандалари кўп келган, аммо театр артистлари алоҳида тақлиф қилинганини деярли ҳеч ким эслай олмади. Хонободга театр даргаси Соиб Ҳўжаев тугилган кун — 5 майда артистлар келиб, хотира кечаси ўтказиб, уша кўниёқ қайтиб кетишди.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари 2021 йил 19 январь куни маънавият ма-

саласига бағишлаб ўтказган кенгайтирилган йилгилишда театр жамоаларининг гастроль сафарларига алоҳида тўхталган бежиз эмас: “Ёши улуг инсонлар яхши билади, илгари театрлар чекка қишлоқларгача гастролга чиқиб, томоша кўрсатарди. Бу учрашувлар ҳақиқий байрамга айланиб кетарди. Уша аънаналарни давом эттириш зарурлигига, халқимиз ўртасида бунга эҳтиёж катта эканига жойларда аҳоли вакиллари билан мулоқот пайтида кўп марта ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Маданият вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда театр жамоаларининг худудларга гастроль сафарларини ташкил этиш бўйича йиллик режа ишлаб чиқиши керак. Жойларда аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, концерт ва театр томошаларини ташкил этиш учун ҳокимлар ҳам масъул эканини улар сезишлари лозим.”

Ҳа, ўтган йили қўрғонтепаликлар тумандаги кўллаб эзгу ишлар қаторида ҳокимнинг театр жамоасини тақлиф этишдек эзгу саъй-ҳаракатини ҳам юксак баҳолаб, Президентимиз айтганидек, ҳокимларнинг шундай ишларга эътиборли бўлиши муҳим эканини тушуниб етишди. Шу ўринда айтиш керакики, туман ҳокимлиги, аввало, Президентимизнинг юқоридаги топшириқларига амал қилгани аниқ. Қолаверса, бу борада эрта баҳордан юмушга шўнгиган меҳнаткаш халқнинг маънавий эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинганга шубҳа йўқ.

Элимизда “Барака одамнинг ўзида” деган бўзал ҳикмат бор. Тириклик ташвишларидан холи чоғда соғлом ақл билан мушоҳада қилиб кўрган киши бу сўз замирида нечоғлиқ теран маъно борлигини англайди. Ота-онасидан миллионларга тенг бойликни мерос қилиб олгач, уни ҳавога совуриб, бир чақага зор бўлиб қолган кишилар қисмати бу гапнинг яққол исботидир.

Янги Ўзбекистон ғоясига, мафкурасига, мақсади-га ишониб талаб этилади.

Негаки, ишончсиз мақсадга етиб бўлмайди...

Шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган бир-бирдан бўзал иморатлар, бирин-кетин ишга тушаётган янги-янги завод-фабрикалар, спорт мажмуалари, замонавий иссиқхоналар, қамрови ва сони ҳам тобора кенгайиб бораётган олий ўқув юртлари, кўзларни қувнатиб, кўнгилларга ўзгача шукҳу бағишлаётган хиебонлар, йиллар мобайнида таъмирланмаган йўлларнинг обод бўлаётгани, қир-адирлар орасида бўлса-да, шаҳар тусини олаётган обод қишлоқлар ҳамда турар жой мажмуалари юрт қиёфасини тубдан ўзгартириб юбораётгани айни ҳақиқат.

Мамлакатдаги ўзгаришларни юқорида санаб ўтилган бунёдкорликлар нуктаи назари билан ўлчовчи киши Янги Ўзбекистон деганда шуларни тушунар, эҳтимом. Аммо бугуннинг зиёли қатлами, ёшлар таълим-тарбиясига, мафкура ва маънавият масалаларига масъул бўлган мутасаддилар, эл сўраб турган раҳбарларнинг Янги Ўзбекистон ғоясини бу тарзда қабул қилиши анчайин соддалик бўларди, назаримизда.

Теран нигоҳ

Бугун ёшу қарида келажакка ишонч бирдек уйғонгани, сўз эркинлиги борасидаги олға силжишлар, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани, атрофдаги қардош халқлар билан самимий муносабатлар қарор топгани, дин ва эътиқод эркинлиги масаласидаги таҳсинга сазовор ислохотлар, валюта бозоридаги инқилобий ўзгаришлар, банклар фаолиятида, нақд ва виртуал пул айланимасидаги ижобий ютуқлар, халқ билан мулоқот, прописка муаммосининг ечимли, камбағалликни қисқартириш борасидаги чора-тадбирлар, бир вақтлар ҳатто мавжудлиги инкор этилган, мамлакат обрўсига доғ туширмади, деб ҳисобланган меҳнат муҳожирлари муаммоси

Маънавият

yuz.uznews

yuz_official

ўтаверади. Ўзликни англаш йўлида босиб ўтилган бу йўл, қанчалик машаққатли бўлмасин, миллатимиз учун ютуқлар йўли бўлиб кўринди менга.

...Истибод занжирини узишга интилган зиёлилар, жонфидо ватандошлар қисмати, элга бош бўлганларнинг оқиллиги, сабру бардоши боис, кўлга киритилган Ватан мустақиллиги ва озод халқнинг орзуманда кўнлари...

Алвон пионер ғалстугини бўйнимиздан на ечишни, на тақишни билмай юрган, шунча вақт улугланган, алқанган идеаллар чилпарчин бўлган, биз — мактаб ўқувчиларининг, муаллимларимизнинг қарат қолати, мафкурасизлик...

Локайдлик оқибатида мамлакат инфратузилмасининг кўз олдимизда вайрон бўлгани, чуқурлашган энергетика муаммоси. Ўз рафикасини яшаб турган уйига доимий рўйхатга қўйлмаган, ўз пулига олган уйини ўзгалар номига расмийлаштириб, уйи ва пулидан айрилган шўрликлар, кун сари заифлашиб бораверган ижтимоий химоя, иш қидириб юртдан чиққан муҳожирлар қисмати...

Ҳа, шулар ўтди кўз олдимдан.

Яна 1998 йили Тошкент давлат университети журналистика факултетига ҳужжат топширишга келганим, тахририятга мақола олиб борганим, у ерда бир киши мен билан суҳбатлашиб кўргач: “Эркак киши экансиз, бўйинингизга рўзгор юки тушади, ука. Журналистнинг тўрт сун ойлиги йўлқирага ҳам етмайди. Яхшиши, “бозорчи” бўлиш керак ҳозирги замонда”, деб насиҳат қилгани.

Кўнглим чўқкани...

Кўп ўтмай бошқа бир газета тахририятида мақоламни қабул қилиб олган Васила опанинг: “Ҳозир ҳамма узини пул топишга урган. Йигитлар ҳам ё иқтисодчи ёки юрист бўламан, дейишдан бошқасини билмайди. Лекин бу ўткинчи: икки йил, беш йил, боринг ўн йил давом этар. Бир кун келиб жамиятга биз ҳам керак бўламиз. Сизнинг келажакка интилишингиз таҳсинга лойиқ. Сиздай йигитларни кўрсам, хурсанд бўламан”, дегани.

Менинг ҳам мамнун бўлганим... Тахриратларнинг тўғроғини ялаб, қаттиқ-қуруғини тотиб кўргач, гоҳида ўз касбимдан пушаймон бўлганларим. Баъзи воқеаларнинг тўб моҳиятини англаб-англамай исён қилганларим, “оқ” деб юрганларим “қора” бўлиб чиққач, ўзимдан уялганларим...

Вайрон бўлган Ватаннинг кўз олдимда қад ростлаётгани.

Актёрлар нима дейди?

— Қўрғонтепа шахсан мен учун бегона эмас, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. — Болалигим шу ерларда ўтган (санъаткор қўши Ҳўжа-обод туманида тутилган). Ноябрь ойи охирида Элёрбек Набижонов кўнги охирларида “Эркин ака, халқимиз сизларни ойнаижаҳонда кўради, санъатингизни ҳурмат қилади. Энди ўзларингиз билан ҳам юзма-юз учрашса яхши бўлар эди. Биласиз, меҳнаткашларимиз роса чарчаган”, деди. Шундан кейин Ёдгор Саъдиев билан болганим. “Яхши, санъатимизни қадрлаб, ўзимизни ҳурмат қилиб, тақлиф этган одамларнинг олдида борамиз”, деди. Чиндан ҳам одамлар роса олқишлади. Халқимиз концертларинигина эмас, театрни, актёрларни ҳам соғинибди. Насиб этса, спектакль билан келиш ниятимиз бор. Баҳор, ёз ойларига бу ерлар жаннатмонанд бўлиб кетади.

Кўллаб мухлислари қалбига шодлик олиб кирган санъаткорларнинг Меҳрибонлик, интернат уйи тарбияланувчилари билан учрашиб, болақонларга меҳр улашган диққатга сазовор. 300 нафардан ортиқ ногирон болақонни ўз бағрида парварিশлаб келаятган интернатда ҳам байрам тадбири ташкил этилди. Болалар билан бир даврада рақс тушиб, ўқисқ қалб эгалари ниҳунда этишга чоғланган меҳмонлар уларга байрам тўхфаларини ҳам берди.

Ва Васила опанинг башорати рўёбга чиққани. Охир-оқибат Янги Ўзбекистон феномени!

Инсон қаддини баланд билганлар, уларга эргашган эл.

... Яна шулар ўтди ҳаёлдан.

Бугунги Ўзбекистонда мажбурий меҳнат йўқ. Болаларнинг мажбурий меҳнати ҳам. Ўғил-қизимиз илм олиш, ҳунар ўрганиш билан банд. Ҳолбуки, бу йигит-қизларнинг ота-оналари — биз, 15 ёшли ўсимирлар оиламиздан олисда. Мирзаўлнинг кимсасиз далаларида кузнинг захкаш кўнлари шийпонларда дийдираб тонг оттирган, кенгача 50 килограмм пахта теролмаганимиз учун мактабдошлар олдида изза қилиниб, муаллимларимизнинг тарсакисини тотиб кўрган собиқ ўқувчиларимиз...

БМТ маъмулотларига кўра, бугун дунёдаги ҳар ўнчиси бола мажбурий меҳнатга жалб қилинмоқда. Яратганга шўқлар бўлсинки, Ўзбекистон фарзандлари бу рўйхатда йўқ. Мажбуриятларнинг барчаси бекор бўлган. Ҳатто мажбурий обуна ҳам...



Негаки, ўзини зиёли санаган кимсани бирор юмушга, ҳатто обунага ҳам мажбурият шарт эмас. Замон билан ҳамнафас бўлиш, онгу тафаккурини илму фан, иқтисод, сиёсат, маданият ва ўзи учун керакли бўлган бошқа ангилликлар билан тўлдириб бориш учун керакли нашруга ўзи обуна бўлади...

Янги Ўзбекистон феноменининг бир қирраси шу аслида.

Яна бир қирраси Аллоҳ халқимизга ато этган оқиллик.

Халқ илмга, мукаммал ҳунарли бўлишга, тижоратга ҳам, зиротга ҳам илм билан ёндашишга ва ниҳоят, мамлакатда Учинчи Ренессансга тамал тошини қўйишга даъват этилмоқда. Бу чорловга ўзини чин маънода ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаро “лаббай”, деб жавоб бериши лозим.

Токи биз — бугунги ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди учун Янги Ўзбекистон қутлуғ маконга, Учинчи Ренессанс эзгу мақсадга айлансин!

Театрни соғинган қўрғонтепаликлар



— Пандемия бизга жуда кўп инсоний фазилатларимиз билан бирга санъат ва маданиятнинг ҳам ҳаётимизда нечоғлиқ муҳим эканини кўрсатди, — дейди туман ҳокими Элёрбек Набижонов. — Чекка-чекка қишлоқ одамларига бу борада шароит яратиш уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришида муҳим омил бўлади. Хусусан, театр санъати ҳаётни жонли тарзда акс эттири олиши билан қимматли. Шу боис, Ўзбек миллий академик драма театри жамоасини туманимизга тақлиф этдик. Аввалги тадбирларимизда кўллаб эстрада хонандалари, сўз усталарини тақлиф этиб, одамларимиз кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдик. Натижа ёмон бўлмади, халқимиз хурсанд.

Тумандагилар “пойтахтдан театр актёрлари келармиш”, деб бир-бирига ҳабар етказиб юрганларида эл суйган санъаткорлар Ёдгор Саъдиев ва Эркин Комилов ҳокимлик билан ташкилий масалаларни ҳал қилгани борган, саҳна имкониятларини ўрганаётган эди.

Уларни кўриб қолган сезгир одамларнинг “Демак, туманимизга театр келар эканда”, деган гаплари ҳам қулоқдан қулоққа етди.

Саҳна асари қўйиш талабларига жавоб бермагани боис, ҳокимлик биносида спектакль намойиш этилмаган бўлса-да, санъаткорлар ўзларининг бўзал мунолоғлари, шеър қўшиқлари билан томошабинларда илқ таассурот қолдирди.

Бадий дилкор “Ўнутмайман, унутмайман, сени токи тирикман” дея навоий-хонлиқ чиқиши билан Ўзбекистон халқ артисти, Республика театр арбоблари уюшмаси раҳбари Ёкуб Аҳмедов очиб берди. Шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммад Холиқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Раъно Ярашева, Фарҳод Абдуллаев, Саида Рамаева, истеъдодли актёрлар Зилола Ғуломова ҳамда Рихситилла Абдуллаев ўз чиқишлари билан йилгиларларни хурсанд этди.

Бундан ташқари, жамоа аъзоси бўлган хушовоз хонандалар ижросидаги

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер мақсадида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефон: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов
Мусахҳас: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 22:00 Топшириди — 22:55